



# ТАБРИКНОМА

## АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ТАБРИГИ

download from website [http:// www.andijan.uz](http://www.andijan.uz)

Андижон вилояти ҳокимлиги

**Вилоят ҳокими Шухратбек Қўшоқбоевич Абдурахмоновнинг  
Ўқитувчилар ва мураббийлар куни байрами муносабати билан бўлиб  
ўтадиган тантанали тадбир иштирокчиларига  
ТАБРИК СЎЗИ**

**Ассалому алайкум азиз устозлар ва ҳурматли меҳмонлар!**

Дунёда ёш авлодга илм-фан ва ҳаёт сирларини ўргатишдек олижаноб вазифани ўз зиммасига олган Сиз, азизларни ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан самимий табриклашга руҳсат бергайсизлар.

Бугун биз мустақил Юртимизнинг буюк келажагини яратадиган фарзандларимизни комил инсонлар қилиб тарбиялашдек масъулиятли вазифани зиммаларига олган Сиз-устозларни қутлаш мақсадида йиғилганмиз.

Мана, ўн тўққиз йилдирки, Мамлакатимизда 1 октябрь умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда. Ҳаммамиз учун ниҳоятда қадрли бўлган ушбу байрамнинг Ватанимиз Мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрами кенг нишонланган қутлуғ кунларнинг давоми сифатида ўтказилаётганлиги ҳам барчамизга кўтаринки руҳ бағишлайди.

Ўқитувчи ва мураббийлар куни байрами дунёда камдан кам учрайдиган айём сифатида юртимизда таъсис этилганлиги зиёлиларимизга бўлган чексиз ҳурмат-эътиборнинг ифодасидир.

Муҳтарам Президентимиз “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида устоз муаллимлар ҳақида «**Инсон**

**қалбига йўл, аввало, таълим - тарбиядан бошланади. Шунинг учун қачонки бу ҳақда гап кетса, аждодларимиз қолдирган бебаҳо меросни эслаш билан бирга ота - оналаримиз қатори биз учун энг яқин бўлган яна бир буюк зот - ўқитувчи ва мураббийларнинг олижаноб меҳнатини ҳурмат билан тилга оламиз.”** деб жуда ўринли айтганлар.

Ана шу ҳурмат ва эъзоз куни кеча Муҳтарам Президентимизнинг **“Ўқитувчи ва мураббилар куни”** муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган кўрсатилган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”

ги фармонида яна ўз исботини топди. Мукофотланганлар орасида етти нафар андижонлик устоз ва мураббийларнинг борлиги вилоятимиз илм аҳлига билдирилган юксак эҳтиром наъмунаси бўлди.

Барча мукофотланганларни Сизларнинг номингиздан ва шахсан ўзимнинг номимдан муборакбод этишга рухсат бергайсизлар!

Узоқни кўзлаб, чуқур ўйлаб қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ижросини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Мана шу жараёнда янгича фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни, чет тилларни пухта эгаллаган навқирон ўғил-қизларимизни камол топтириш йўлида фидойи меҳнатингиз учун Сиз, муҳтарам устозларга миннатдорлик билдирсак арзийди, албатта.

**“Ҳозирги кунда юртимизнинг қайси шаҳар ёки қишлоғига борманг, - деб таъкидлаган эди Юртбошимиз, - энг муҳташам, энг кўркем бинолар бу мактаблар, лицей ва коллежлар, маданият, санъат ва спорт масканлари эмасми? Айни шу йўлни танлаганимиз энг тўғри тарихий қадам бўлди. Чунки бизнинг эртанги кунимизни ким қуради - болаларимиз**

**қуради, индинги кунимизни ким қуради - невараларимиз қуради.”**

Мана шу сўзларнинг маъзини чақсак, биз учун энг тўғри йўл - таълим-тарбия тизимини янада ривожлантириш бўлаётганлигини кўрамиз.

Вилоятимизда фаолият юритаётган барча умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлар ҳамда олий ўқув юртлари бинолари жаҳон стандартларига тўла жавоб берадаган қилиб қурилди.

Уларни замонавий ўқув анжомлари билан жиҳозлаш, моддий техник базани мустаҳкамлаш ишлари ҳам халқаро талаблар даражасига етказилди. Айниқса, муסיқа ва санъат мактаблари бунёд этилиши, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган ишлар ўзининг салмоқли самараларини бераётгани маълум.

Кейинги икки йил мобайнида халқаро фан олимпиадаларида муносиб иштирок этиб, олтин, кумуш ва бронза медалларни қўлга киритган вилоятимиз вакиллари сафи янада кенгайди.

Нуфузли санъат фестиваллари ва танловларда 100 дан ортиқ йигит-қизлар совринли ўринларни эгаллагани, халқаро спорт мусобақаларида 76 та олтин, 97 та кумуш ва 117 та бронза медали соҳиблари бўлганлиги барчамизни хурсанд қилади, албатта.

### **Ўрнатли анжуман иштирокчилари!**

Ўзирги таълим жараёнларини замонавий ахборот коммуникация технологиялари, интернет тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўқув-тарбия ишларини бугунги тараққиёт, миллий ва умумбашарий тафаккур ютуқлари билан узвий боғлиқ ҳолда ташкил этиш вазифаси таълим фидойилари зиммасига катта масъулият юкламоқда.

Биз ўтган йиллар мобайнида рўёбга чиқарилган ишларимизни холисона баҳолар эканмиз, таълим-тарбия соҳасида ҳали қиладиган кўпгина вазифаларимиз

борлигини, ечимини кутаётган муаммоларни ҳал қилиш масалаларини қайта кўриб чиқдик.

Янги ўқув йили олдидан фарзандларимизга берилаётган билимлар сифат ва самарадорлигини, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш мақсадида август ойида барча, шаҳар туманларда фан ўқитувчилари учун ўқув-шўъба йиғилишлари ўтказилиб, унда ўттиз бир мингга яқин педагоглар иштирок этдилар.

Мазкур август конференцияларида жуда кўп масалалар, ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар ўртага қўйилди. Энг муҳими, Андижон ишлаб чиқариш ва маданий ҳаётнинг қатор соҳаларида мамлакатда ўз ўрни ва нуфузига эга бўлган вилоят сифатида эътироф этилаётган бир пайтда, таълим-тарбия, айниқса, спорт соҳасида ҳам юқори даражаларда бўлиши шартлиги алоҳида таъкидланди.

### **Ҳурматли устозлар!**

Бугун жаҳон миқёсида қарайдиган бўлсак, бугун инсоннинг қалбу онгини эгаллаш, айниқса, ёшларнинг маънавий дунёсини издан чиқаришга қаратилган турли хавф-хатарлар кучайиб бормоқда. Нотинч замонда ўзининг кимлигини, қандай буюк зотларнинг авлоди эканлигини теран англаган, Ватанга муҳаббат ва садоқат билан яшайдиган, имон-эътиқоди мустаҳкам ёшларимизни муқаддас заминимизга ёт ва бегона таъсирлардан, бало-қазолардан сақлашимиз шарт ва бу кун тартибидаги бош вазифамиздир.

Шунинг учун ҳам Сиз, азиз устоз ва мураббийлар, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асраш йўлида йигит-қизларимизнинг иродасини мустаҳкам ва бақувват қилиб тарбиялашда куч-ғайратингизни, билим ва тажрибангизни аямайсиз деб ишонамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бир фикрни алоҳида таъкидлашни ўринли деб ҳисоблайман. Ёш авлодга маърифат ва эзгулик нурини улашадиган, ҳаётга йўллайдиган муҳтарам зотлар олдида барчамиз бир умр

қарздормиз. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, меҳнатимизга пойдевор бўлиб хизмат қилаётган инсонлар сифатида Сизларни энг яқин кўмакчилар, маслакдошлар сифатида қадрлаймиз.

Сизларни қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор самимий табриклайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман. Доимо омон бўлинг, азиз Устозлар!

**Эътиборингиз учун раҳмат!**